



2020 у. «10» сентябрь

№ Қ-453

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

**Термиз тумани “Сурхон-Намуна” массиви  
“Мустақиллик” маҳалласи худудидан  
“Жануб Асл Лимонлари” МЧЖга  
“Иссиқхона” қуриш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/539-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 15 июлдаги 01-08/288-сон хатини кўриб чиқиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/539-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон-Намуна” массиви “Мустақиллик” маҳалласи худудидан “Жануб Асл Лимонлари” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 22қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 36,4 балл бонитетли жами 3,0 гектар суғориладиган бўз ер майдони қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Жануб Асл Лимонлари” МЧЖ раҳбари С.Мажидовга:  
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Тураев ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов